

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2021 йил
14 октябрь
№ 41 (826)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

13 ОКТАБРЬ – ХАЛҚАРО ТАБИЙ ОФАТЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ КУНИ



Куну тунимиз осуда кечсин

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2009 йил 21 декабрдаги резолюциясига асосан, “13 октябрь – Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш куни” сифатида мазкур сана дунёнинг деярли барча мамлакатларида кенг нишонланади.

Бу кунда дунё майдонида содир бўлган йирик фавқулодда вазиятлар, улар оқибатида ҳалок бўлганлар хотирланади, офатларни бартараф этиш бўйича олиб борилган ишлар сарҳисоб қилинади.

Инсон ҳаётининг ривожланиш тарихи табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ва хавфли табиий ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқдир. Турли кўринишдаги фавқулодда вазиятлар инсонларнинг қурбон бўлиши, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароитини издан чиқаришига олиб келади.

Ушбу йўналишда асосий эътибор, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда унинг оқибатларини тугатишга эмас, балки уларнинг олдини олишга, рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга қаратилиши лозим.

Мамлакатимизда 2021 йилнинг 9 ойи давомида аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда қатор ишлар амалга оширилди.

Энг ачинарлиси, амалга оширилган профилактик тадбирларга қарамасдан табиий офат натижасида фуқароларнинг вафот этиши

билан боғлиқ 2 та ҳолат қайд этилган. Жумладан, 2021 йил 6-7 май кунлари Қирғизистон Республикаси Сўзоқ тумани ҳудудида кучли ёмғир ва дўл ёғиши оқибатида Андижон вилояти, Хонобод шаҳар “Тейит” маҳалласида яшовчи бир оиладан икки нафар вояга етмаган фуқаронинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган.

2021 йил 13 июль куни Қирғизистон Республикаси, Жалолобод вилояти, Олабуқа тумани ҳудудида шундай офатнинг рўй бериши оқибатида Наманган вилояти, Косонсой тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи “Косонсой” сойига 60 м³ ҳажмда меъёрдан ортиқ сел сувлари келиши оқибатида Косонсой тумани “Маҳмуди Аъзам” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи “Косонсой” сув қирғоғида жойлашган, ушбу туманда яшовчи фуқарога тегишли бўлган, дам олиш масканида дам олаётган ва сойга чўмилиш учун борган фуқароларни сел сувлари оқизиб кетган. Натижада 8 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 6 нафари жабрланган.

Таъкидлаш жоизки, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда аҳолининг тўғри ҳаракат қилиши, малака ва кўникмаларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. 2021 йил давомида аҳоли ва раҳбарлар таркибини фавқулодда ва-

зиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш махсус-тактик ўқув машқлари, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа профилактик тадбирлар орқали амалга оширилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Фавқулодда вазиятлар бошқармалари аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказлари томонидан 17557 нафар раҳбар ходимлар белгиланган дастурлар асосида жойларда тайёргарликдан ўтказилди.

Маълумки, халқаро ҳамкорликни ривожлантирмасдан аҳолини ва ҳудудларни табиий офатлардан муҳофаза қилиш тизимини кучайтириб бўлмайди.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, Япония ва Корея халқаро ҳамкорлик агентликлари, Фуқаро муҳофазаси халқаро ташкилоти, Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти каби бир қатор халқаро ташкилотлар ва чет давлатлари билан ҳамкорлик ришталари ўрнатилиб, турли муҳофаза тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилаётгани таҳсинга лойик.

ФВВ матбуот хизмати

УЧ АВЛОД УЧРАШУВЛАРИ

Бунда қаҳрамонлар айтади нақл,
Ёш қалблар ҳайратда, ёришар ақл,
Олтин ўғитларни тингла, амал қил,
Мароқдир уч авлод учрашувлари...

Бўғи Мўйноқдан то Сурхонгача,
У ёғи Тошкентдан Андижонгача,
Машъаласи сўнмас сахар тонгача,
Чирокдир уч авлод учрашувлари...

Ўзбек, қозоқ, қирғиз, қай бирин айтсам,
Рус ва тожик, туркман, қорақалпоқ жам,
Кучоғида дўстлик, бирлик мужассам,
Маёқдир уч авлод учрашувлари...

Бунда қудратли куч, қудратли тўлқин,
Юртбошим ўйлағай ҳар лаҳза халқин,
Ёшлар – келажакдир, кўзлари чақин,
Яроқдир уч авлод учрашувлари...

Тумарис сабоғи – бундай оқшомлар,
Ақлнинг қайроғи – шундай оқшомлар,
Юртим, дея кетган Кубро бобомлар,
Широқдир уч авлод учрашувлари...

Юзларда табассум, порлар кулгудан,
Куй-наво таралар минг хил чолгудан,
Фақат шодлик устун, гаму қайгудан
Йироқдир уч авлод учрашувлари...

Ободлик ярашган гул боғимизга,
Биллур, садаф тўлган булоғимизга,
“Биир келиб-кетинг қишлоғимизга!”
Муштоқдир уч авлод учрашувлари...

Юксак маънавият жон-танаси бу,
Янги Ўзбекистон аънанаси бу,
Эзгуликнинг мудом тантанаси бу,
Машъалдир уч авлод учрашувлари...

Қадрига ет, болам, ушбу онларни,
Ёд айла эл дея битган жонларни,
Улуғлардан олгил зафар-шонларни,
Сабоқдир уч авлод учрашувлари...

Ҳаёт деган асли битта сўзда ҳал,
Буюкликда сенга келар ҳали гал,
Ибрат сенга оппоқ сочли генерал!
Мароқдир уч авлод учрашувлари...

Сабоқдир уч авлод учрашувлари...

Баҳодир ВАЛИЕВ.



ФАХРИЙЛАР САФДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан "Кексалар ҳафталиги" доирасида ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳарбий кўмондонликлар билан ҳамкорликда Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Самарқанд ҳарбий прокуратураси Мудофаа вазирлиги фахрийлар кенгаши, Самарқанд шаҳар Нурунийлар уюшмаси билан ҳамкорликда "Ватанпарвар" ва "Ҳазора" маҳаллаларида истиқомат қилувчи фахрийлар, нуруний отахон ва онахонлар иштирокида уч авлод учрашуви ўтказилди.

Тадбирда фахрийлар ўз умр йўллари, муваффақиятга етишиш сирлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Ёш китобхонлар тўғраги аъзолари ўз чиқишлари билан кечага файз бағишлади.

Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан ташкил этилган тадбирлар доирасида Қашқадарёдан Хоразмга келган фахрийларнинг

бир гуруҳи Урганч ва Хива шаҳарларидаги диққатга сазовор жойларга саёҳат қилдилар. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги, Мудофаа вазирлиги фахрийлар ишлари бўйича вилоят Ветеранлар кенгаши раиси бошчилигида келган, мазкур тизимда узоқ йиллар хизмат қилган ва айни пайтда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган фахрийлар Янгиариқ туманидаги ҳарбий дала майдонида хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Жўрабек ўРИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг катта
ёрдамчиси.

САХОВАТ УЙИДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан мунтазам равишда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва уларга кўтаринки кайфият бағишлаш мақсадида хайрли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.



Андижон ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан Мудофаа вазирлигига қарашли Андижон гарнизонидаги ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда Қўрғонтепа туманидаги болалар Саховат уйи тарбияланувчилари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Учрашувда тарбияланувчилар ҳолидан хабар олиниб, уларга сов-

ға-саломлар улашилди.

Андижон гарнизони ҳарбий оркестр жамоаси томонидан ижро этилган, Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ҳамда болажонларнинг унга ҳамоҳанг рақслари тадбирга кўтаринки кайфият бахш этди.

Нуриддин ЭГАМҚУЛОВ,
Андижон ҳарбий прокурори
ўринбосари.

Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, генерал-майор Шухрат Узоқов ташаббуси билан Қуролли Кучлар таркибидаги вазирлик ва идораларда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, шунингдек, ҳарбий пенсионерлар учун сайёр қабуллар ўтказилиб, уларни қийнаётган дарду ташвишлар, муаммолар тизимли равишда ҳал қилиб борилмоқда.

ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАР ДАВОМ ЭТАДИ



Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан Нукус шаҳрида Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ва Мақтабгача таълим вазирликлари, ҳарбий госпиталь ходимлари иштирокида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлимларида хизмат қилаётган юздан ортиқ ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар хизматчилари иштирок этди.

Оммавий қабулда имтиёзли шарт-

лар асосида уларни турар жой билан таъминлаш, фарзандини мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, хизмат автомашиналарини янгилаш, ойлик иш ҳақларига устамалар қўшиш каби турли масалалар кўриб чиқилиб, уларнинг 11 таси қаноатлантирилди.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишлар бўйича оммавий қабуллар ўтказилиши давом этмоқда.

Дауран ТУРУМБАЕВ,
Нукус ҳарбий прокурори
ўринбосари.



Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ҳарбий прокуратура ва Ҳарбий судининг 2021 йилда Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ва қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ жойларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ РИВОЖИ

Фарғона вилояти ФВБда "Коррупция — келажакка таҳдид" мавзусида бўлиб ўтган тадбирда дастлаб, олиб борилаётган ишлар натижадорлиги таҳлил қилинди. Республика ишчи гуруҳи ҳамда Фарғона Ҳарбий прокуратурасининг масъуллари иштирокида ходимларнинг ўз хизмат вазибаларини виждонан ва самарали бажаришлари коррупция иллатининг олдини олиш, шунингдек, давлат хизматларида суиистеъмолликларнинг олдини олишга қаратилган ўқув семинари муҳим аҳамият касб этди.

Тадбир давомида коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муно-

сабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

А.АЛИЖОНОВ,
Фарғона вилояти ФВБ
ОАВ ва ЖТБҲҚГ
бошлиғи, лейтенант.

А.МЎМИНОВ,
бошқарма шахсий
хавфсизлик бўлими
бошлиғи, подполковник.



ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

“Кексаларни эъзозлаш, уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос эзгу фазилат” гоёси остида ўтказилаётган *“Кексалар ҳафталиги”* доирасида *Жиззах вилояти ФВБ* ходимлари ҳам соҳа фахрийлари хонадонида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олишиди.

– Мен кўп синовли кунларни бошдан кечирганман, – дейди истеъфодаги подполковник Ботир Мамашукуров. – Оловли ёнғин майдонларида бўлдим, кўплаб инсонларни олов чангалидан қутқаришга муваффақ бўлдим, юзлаб ёнғинларни ўчиришда бевосита қатнашдим. Ҳозир ёш ҳабий хизматчиларни кўриб, ўша даврлар кўз олдимга келди. Биз ёши улуглар кўпни кўрган инсонлар сифатида ёшларга тўғри йўл кўрсатсак, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласак, соҳа янада ривож топишига ишонаман.

Тадбир баҳонасида хонадон соҳибига озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда эсдалик совғалари ҳадя қилинди. Ботир Мамашукуров ўзининг ҳаётий ўғитлари, панд-насиҳатларини шогирдлари билан ўртоқлашди.

– Юртимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳар куни кузатиб бораман, – дейди Шароф Рашидов туманида истиқомат қилаётган

фахриймиз Нуриддин Оловиддинов. – Президентимизнинг жойларга ташрифлари чоғида ҳар гал кекса авлод вакиллари билан учрашиб, нуронийларнинг шунчаки дуоғўй эмас, аксинча, жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган қатлам бўлиши кераклиги ҳақидаги гаплари менга шижоат бағишлайди. Айни пайтда маҳалламизда ташкил этилган *“Кексалар маслаҳати”* гуруҳи аъзосиман ҳамда амалга оширилаётган ислохотларга имкон қадар ўз ҳиссамни кўшишга ҳаракат қилман.

Фахрийлар кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Уларнинг касб-корларига барака тилаб, хайрли ишларнинг бардавом бўлишига ишонч билдиришди.

Соатмурод АБДИЕВ,
Жиззах вилояти ФВБ
бошлиғи ўринбосари,
подполковник.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Коррупция дунё миқёсидаги глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, долзарб масалалар қаторидан ўрин эгаллаган.

Жиззах вилояти ФВБда Фақуллода вазиятлар вазирлиги ҳамда Ҳарбий прокуратура билан ҳамкорликда ўтказилган семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ҳозирда кўплаб давлатларда терроризм, айирмачилик, сепаратизм, уюшган жиноятчилик, шу жумладан, коррупция авж олаётгани дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Ана шундай бир шароитда мансабдор шахсларнинг жиноятчилар билан тил бириктириши натижасида жамият сиёсий ва иқтисодий инқирозга юз тутиши мумкинлиги коррупциянинг ижтимоий хавфи нечоғлик юқори эканлигидан далолат беради.

Тадбирда қатнашчиларга коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича атрофлича маълумот берилди.

Семинар давомида ҳарбий хизматчиларнинг касб маданиятига риоя қилиши, ижро интизомини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоада коррупцияга муросасизлик муҳитини шакллантириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, капитан.

Қашқадарё вилояти Қамашии туманидаги 61-умумтаълим мактабида 13 октябрь – Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш кунига бағишлаб “Табиий хусусиятли фавқуллода вазиятлар содир бўлганда аҳолининг ҳаракати” мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО КУН ДОИРАСИДА

Унда туман ФВ бўлими ва ФВДТ хизматлари, шунингдек, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди. Тадбир давомида иштирокчиларга соҳа мутахассислари томонидан табиий хусусиятли фавқуллода вазиятлар, уларнинг таснифи, юз берганда қандай ҳаракатланиш юзасидан зарур маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, туман ФВ бўлими ҳарбий хизматчилари яшаш уйларида ҳамда қурилиши тугалланмаган

объектларда ҳам бўлишиб, табиий хусусиятли фавқуллода вазиятлар содир бўлганда аҳолини тўғри ҳаракат қилиши юзасидан тушунтириш ишлари амалга оширилди.

О.ХУШВАҚОВ,
Қамашии туман ФВ бўлими
НТБ бошлиғи, капитан
А.ОМОНҚУЛОВ,
бўлим ФВДТ ва ФМФТЭХТБ
бошлиғи, капитан.



БРИФИНГ

Андижон тиббиёт институтининг мажлислар залида Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази бошлиғининг биринчи ўринбосари ва вилоят ФВБ ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти бўйича брифинг ўтказилди.



Унда қатнашчиларга қонуннинг тўлиқ мазмуни, содир бўлиши мумкин бўлган фавқуллода вазиятлар, ер силкинишлари ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиш чоралари бўйича маълумот берилди. Шунингдек, қонунда сейсмик хавфсизлигини

таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари Вазирлар Маҳкамаси, ФВБ, Қурилиш вазирлиги, Фанлар академияси ва маҳаллий ҳокимиятларга вазифалар юкланганлиги тушунтирилди. Анжуманда журналист ва блогерлар саволларига жавоб берилди.

С.ЗУЛУНОВ,
Андижон вилояти ОАВ ва
ЖТБХҚГ бошлиғи, майор.
Р.АҲМАДАЛИЕВ,
бошқарма ОАВ ва ЖТБХҚГ
етакчи мутахассиси.

ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

“Қамчиқ” довоининг 222 км.да “Водий-Тошкент” йўналишида 5 тонна юк билан ҳаракатланган, “Isuzu” русумли юк автомобиль ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб, йўл ўртасидаги бетон тўсиққа урилган ва ағдарилиб кетган.

Автомобиль салонида ҳайдовчи ва бир нафар йўловчи бўлиб, ҳар икки фуқаро тан жароҳати олган.

Воқеа жойига зудлик билан “Қамчиқ” МҚЁҚБ қутқарувчилари чиқишиб, жароҳат олган фуқароларни махсус гидравлик асбоб-анжомлар ёрдамида автомашина ичидан чиқариб олиш ишларини амалга оширишган ва тез тиббий ёрдам автомашинасида Ангрен шаҳар марказий шифохонасига юборилган.

Ушбу йўл-транспорт ҳодисасида йўл-патрул хизмати ва “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК ходимлари ҳамкорликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашди.

М.МИНГБОЕВА,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ ОАВ ва ЖТБИБ етакчи мутахассиси.

UZLUKSIZ TA'MINOT

Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasida bugunga qadar amalga oshirilgan ishlar va oldinda bajarilishi lozim bo'lgan masalalarga bag'ishlangan tezkor yig'ilish bo'lib o'tdi.

Unda Favqulodda vaziyatlar vazirining birinchi o'rinbosari general-mayor A.Qo'ldoshev, Qashqadaryo viloyati Xalq qabulxonasi, viloyat, shahar, tuman hokimlarining maslahatchilari ishtirok etdi.

Yig'ilishni general-mayor A.Qo'ldoshev kirish so'zi bilan ochib, kuz-qish mavsumiga puxta tayyorgarlik ko'rish va o'tkazishga vijdonan yondashish, havo-gaz aralashmasining chaqnashi, yong'in, is gazidan zaharlanish holatlarining oldini olish borasida barcha shahar va tumanlarda mu-

tasaddi idora vakillaridan iborat ishchi guruhlar tashkil etilganini, bu boradagi ishlarining samaradorligini oshirish lozimligini aytib o'tdi.

Shuningdek, yig'ilishda joylarda amalga oshirilayotgan ishlar muhokama qilinib, iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha ob'ektlarini kuz-qish mavsumida barqaror ishlashga tayyorlash, iste'molchilarni elektr energiyasi, tabiiy va suyultirilgan gaz, ko'mir mahsulotlari bilan uzluksiz ta'minlash, mavjud holatlarni nazorat qilishning joriy ahvoli tahlil qilindi.



Sohibjon VAYITOV,
Qashqadaryo viloyati FVB Axborot xizmati
rahbari, kapitan.

САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ



ФВВ Академиясида биринчи босқич курсантлари ўрта-сида «Ватанга қасамёд» қабул қилиш тантанали маросими бўлиб ўтди.

Унда ФВВ Матбуот хизмати, Академия профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Тантананада сўзга чиққан ФВВ Академияси бошлиғи, генерал-полковник, Қобул Бердиев биринчи босқичга қабул қилинган курсантларни табриклаб, ушбу

олий даргоҳ Академия мақомига эришгандан сўнг, иккинчи мартаба «Ватанга қасамёд» тантанали тадбири ўтказилаётганлиги курсантлар учун фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиши билан бир қаторда, улкан масъулият ва танлаган касбига умрбод содиқликни талаб этишини, шунингдек,

ушбу тадбир шубҳасиз, уларнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Табиий ва техноген тусдаги офатлар билан курашиб, ўз жонини хатарда қолдириб, кўплаб инсонларнинг ҳаёти, мол-мулкни сақлаб қолиш – бу, албатта, беқиёс инсоний фазилат ва энг шарафли хизматдир.

– Ғурур, садоқат ва ориятни энг олий қадрият, деб биладиган йигит учун бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ҳамда шарафли бурчни адо этишга бел боғлаш, аҳд-паймон қилиш маросимидир, – дейди курсант Ботир Эргашов. – Мен ФВВ Академиясига ўқишга кириб, жонажон Ватанимизга, халқимизга муносиб фарзанд бўлиб, инсонлар ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун бор куч-ғайратимни аямай хизмат қилишга тантанали қасамёд қилдим. Бу ҳаётимдаги энг қувончли онлардан бири бўлиб, хотирамда бир умрга муҳрланиб қолади, десам муболаға бўлмай-

ди. Академияда чуқур билим олиш билан биргаликда, она-Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб, мамлакатимиз равнақини оширишга, биз ёшларга билдираётган юксак ишонччи оқлашга ваъда бераман.

– Олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш ҳар бир йигит кишининг орзуси бўлса керак деб ўйлайман, – дейди биринчи босқич курсанти Баҳодир Холходжаев. – Бугун Фавқулудда вазиятлар вазирлиги Академиясининг курсанти бўлишдек бахтга муяссар бўлиш билан бирга барча сафдошларим билан илк мартаба Ватанга қасамёд қилдик ва шунга муносиб бўлишга интиламиз. Халқимизга садоқатли хизмат қилиб, ўз йигитлик бурчимизни мардонавор адо этамиз.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси
катта ўқитувчиси, капитан.
Комил НУРУЛЛАЕВ,
Шаҳзод РИХСИБОЕВ,
4-босқич курсантлари.



ТААССУРОТЛАРГА

БОЙ САЁХАТ

Самарқанд вилояти ФВВ ва унинг куйи тизимларида хизмат қилиб келаётган ёшлар Бухоро вилоятида жойлашган барча тарихий обидалар, музейлар ва диққатга сазовор жойларда бўлишди.

Саёҳат давомида улар мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлдилар. Вилоятда ёшларга ҳаётда ўз ўрнини топиши

учун муносиб шароитлар яратилаётганлиги, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар сезиларли даражада олиб борилаётганлиги саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод ҲАЙДАРОВ,
Самарқанд вилояти ФВВ
бўлим бошлиғи, майор.

Наманган вилояти ФВВ томонидан Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 15 сентябрь кундаги «Фавқулудда вазиятлар вазирлиги тизимидаги автотранспорт воситалари ҳамда ёнғин ўчириш ва қутқарув ускуналарини куз-қиш шароитида ишлаш режимида ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи изжросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ШАЙ



Наманган шаҳар ФВ бўлими 1-сонли ёнғин-қутқарув қисмида, барча шаҳар ва туман бўлим, қисм бошлиқлари ҳамда катта техникаларини жалб қилган ҳолда «Автотранспорт воситаларини куз-қиш мавсумида ишлаш режимида ўтказиш тартиби» мавзусида бўлиб ўтган кўргазмали семинар ҳам ана шундай тадбирлардан бўлди.

Унда бошқарма ҳисобидаги автотранспорт воситалари ва махсус техникаларни мавсумда фойдаланиш режимида ўтказиш олдидан уларнинг нуқсон ва камчиликла-

рини бартараф этиш учун далолатнома тузилиши ва уларни бартараф этиш юзасидан тушунчалар берилди.

Шунингдек, кузги-қишги мавсумга ўтказиш ишларига мувофиқ бажариладиган ишлар рўйхати тузилиб, автотранспорт воситалари ҳамда ёнғин-ўчириш ва авария-қутқарув асбоб-анжомларининг ҳар бири техник кўриқдан ўтказилди.

Бошқарманинг барча ҳайдовчилар таркиби, тегишли мутахассисликдаги ҳарбий хизматчи ва қутқарувчилар мавжуд куч ҳамда воситаларни жалб қилган ҳолда иш жойларида махсус ёнғин-қутқарув ва ғаввослик жиҳозлари текширилиши, техникаларнинг филтрлари ва ҳаво тозалагичлари ювилиши, мойлаш ва қотириш-мослаштириш ишлари ўтказилиши, шунингдек, бўёқлаш ишлари бўйича кўшимча топшириқлар берилди.

Муроджон ДАДАҚЎЗИЕВ,
Наманган вилояти ФВВ бўлим
бошлиғи, катта лейтенант.

TABIY OFATLAR XAVFI

1989-yilda BMT Bosh Assambleyasining 44-sessiyasida qabul qilingan rezolyutsiyaga binoan 1990–1999-yillar tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish o'n yilligi, deb e'lon qilingan edi. Shu sababli 2017-yil 17-yanvardan boshlab har yilning "13-oktabr Xalqaro tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish kuni" sifatida nishonlanadi.



BMT tomonidan barcha a'zo davlatlar va xalqaro tashkilotlarga ushbu kunni munosib darajada nishonlash, turli halokatlarning oldini olish va ularning xavfini kamaytirish bo'yicha dasturiy rejalar ishlab chiqish, imkon qadar talafotlarga yo'l qo'ymaslik choralarini ko'rish tavsiya etilgan.

Sana munosabati bilan Namangan viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasida ommaviy axborot vositalari vakillari hamda blogerlar ishtirokida matbuot anjumani o'tkazildi.

Unda boshqarmaning tegishli bo'limlari mutasaddilari tomonidan jurnalistlarga sodir bo'lishi mumkin bo'lgan tabiiy ofatlarning xavfini kamaytirish hamda ularning oldini olish bo'yicha olib borilayotgan profilaktik tadbirlar to'g'risida atroflicha ma'lumot berildi.

Matbuot anjumanida kuz-qish mavsumida is gazidan zaharlanish, yong'in, chaqnash kabi holatlarning oldini olish va aholini bu kabi holatlardan ogoh etish borasida olib borilayotgan sa'y-harakatlar haqida fikr yuritildi. O'z nomi bilan ko'rinmas yov bo'lgan olov arzimas e'tiborsizlik sababli inson hayoti va mol-mulkiga ziyon yetkazishi mumkin.

Shuning uchun doimiy nazorat va e'tibor lozimligi, baxtsiz hodisalarning oldini olish maqsadida bunday holat yuzaga kelganida fuqarolar viloyat FVB tezkor "101" va "1050" qisqa raqamlariga qo'ng'iroq qilishlari lozimligi keng targ'ib etildi. Shuningdek, boshqarmaning hududiy bo'limlarida tegishli tashkilotlar bilan o'zaro hamkorlikda qator tadbirlar tashkil etildi.

Rustam EGAMBERDIEV,
Namangan viloyati FVB
Matbuot xizmati etakchi
mutahassisi.

ДОВОН МАВСУМГА ТАЙЁР

Маълумки, "Қамчиқ" довони мамлакатимизнинг энг йирик тоифаланган объектларидан бири саналади. Водий билан Тошкент шаҳрини боғлаб турувчи асосий йирик магистраль йўлда ҳар кuni минглаб автомобиллар ҳаракатланади. Хўш, ушбу йўллар куз-қиш мавсумига қанчалик тайёр? Автомобиль ва темир йўлларидан транспортларнинг узлуксиз ҳаракатланиши учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?



"Қамчиқ" довонида вазирлик идора ва ташкилот вакиллари-дан ташкил этилган ишчи гуруҳ тартибда халқаро аҳамиятдаги А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчиқ" довонидан ўтган қисмида ҳамда "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўлининг бу йилги куз-қиш мавсумида автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларини узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Ишчи гуруҳ таркибида ФВВ, ИИБ, ССВ, Автомобиль йўллари қўмитаси, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзгидромет", Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати вакиллари иштирок этишди.

Шунингдек, "Қамчиқ" довонидан ўтган автомобиль йўли ва электрлаштирилган темир йўлида хавфли геологик жараёнлар ва гидрометеорологик ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан берилган кўрсатмалар асосида муҳандислик-ҳимоя ишларининг бажарилиш ҳолати ўрганилди. Довоннинг автомобиль йўлида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари кўздан

кечирилиб, йўл инфратузилмалари қай ҳолатда эканлиги аниқланди.

Махсус муҳандислик техникаларининг мавсумга тайёрлиги, йўл бўлимлари, кум-туз захиралари ҳамда уларга тегишли бўлган бино ва иншоотлар ҳолати, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганлиги ҳолатлари ҳам ўрганиб чиқилди.

"Қамчиқ" довонида ташкил этилган назорат-кузатув постларининг фаолияти, постларнинг жиҳозланиши, ёнғин хавфсизлиги ва хизмат олиб бориш учун яратилган шароитлар кўздан кечирилди.

Довоннинг электрлаштирилган темир йўл қисмида темир йўл транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, электрлаштирилган темир йўлининг ҳолати ўрганилди.

Ўрганиш якунлари бўйича камчиқлар аниқланиб, бар-тараф этиш учун муайян муддат берилди.

М.МИНГБОЕВА,
"Қамчиқ" МҚЎҚБ ОАВ ва
ЖТБИБ етакчи мутахассиси.

Қашқадарё вилояти ФВВда "Менинг бошқармам жиноятдан холи ҳудуд" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Фавқулودда вазиятлар вазирлиги ҳамда Қарши ҳарбий прокуратурасининг масъул ходимлари, бошқарма ҳамда шаҳар, туман бўлим бошлиқлари иштирок этди.

ЖИНОЯТДАН ҲОЛИ ҲУДУД



Тадбирда сўз олган ФВВ масъул ходими берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш, шахсий таркиб билан ишлашда норматив ҳужжатларга асосланган ҳолда хизматни ташкил этиш ҳамда шахсий таркиб томонидан тизим ва ҳарбийлик шаънига доғ туширмаслик, жиноятга етакловчи омиларга алоҳида эътибор қаратиб, шахсий таркибнинг ҳуқуқий, маърифий ва касбий билимини оширишда самарали профилактик ишлар ва ўқув машғулотлар олиб борилиши бўйича тўхталди.

Шунингдек, йиғилиш давомида вилоят ҳудудидаги ҳарбий қисмлар ва бошқа тузилмаларда хизмат олиб бораётган тизим ходимларининг ҳарбий бурчи ва қасамёдига содиқ

қолиши, умумҳарбий низомларга амал қилиши, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда тамагирлик ва коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда ходимларнинг хизмат фаолиятида қонун бузилиш ҳолатлари содир этилишининг олдини олишда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги борасида фикр алмашилди.

Шухрат АБДУРАҲИМОВ,
Қашқадарё вилояти ФВВ
Шахсий хавфсизлик бўлими
бошлиғи, подполковник.

ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Об-ҳавонинг кескин пасайиши билан фуқароларнинг иситиш мосламасига бўлган эҳтиёжи ортиши табиий. Газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланилганда хавфсизлик талабига риоя қилмаслик турли қўнғилсизликларга сабаб бўлади.

Ёқилғи билан иситиладиган печ ва мўриларнинг созлигига ва тозаллигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина ундан фойдаланиш мумкин. Газ плиталар устида кийимларни қуритиш ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Хонадонда газ ҳиди сезилганида зудлик билан шамоллатиш чораларини кўриб, "104" ҳудудий газ идорасига хабар бериш лозим. Газ плитаси ёрдамида хонани иситиш ёки иситиш воситалари ёнида тез алангаланувчи буюмларни қолдириш ярамайди. Уйдан чиқиб кетишингизда иситиш воситаларини ўчириш ёдингиздан чиқмасин. Қўлбола электр иситиш воситаларидан

ҳамда бир вақтнинг ўзида юқори кучланишга эга электр иситиш воситаларидан фойдаланманг.

Мавсумини талафотсиз ўтказай десангиз, юқорида келтирилган талабларни бажариб, эътиборли бўлсангиз, тилсиз ёвдан оила аъзоларингизни ҳамда мол-мулкнингизни содир бўлиши мумкин бўлган ис газидан заҳарланиш, газ-ҳаво аралашмаси чақнашидан асраган бўласиз.

А.БАЙМЕНОВ,
Тошкент вилояти Ўртачирчиқ
тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари,
подполковник.

БИРДАМЛИК ДОИМИЙ ВАЗИФАМИЗ

Қиш фасли қандай келишидан қатъи назар, унинг инжиқликларига тайёр туришимиз лозим. Чунки бугун ҳаво очиқ бўлса, эртага бирданига қор ёғиб юбориши ҳеч гап эмас. Аммо совуқ кунларда ҳар хил носоз, қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳам қишга тайёргарликнинг бир кўриниши, деб ўйлаганлар адашади. Бунинг натижаси аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юртимизда юз бераётган ёнғинлар таҳлилига кўра, аҳоли турар жойларида носоз иситиш мосламаларидан ҳамда, очик оловдан фойдаланганда хавфсизлик чораларига риоя қилмаслик оқибатида шундай офатлар содир бўлаётир.

Тошкент вилояти ФВБ ходимлари доимий равишда фавқулодда

вазирларни, ёнғинларни, ис газидан заҳарланишларни ҳамда газ билан боғлиқ бўлган бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ҳудудидаги аҳоли яшаш хонадонларида бўлиб, юқорида таъкидланган салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга, аҳоли билан ҳамкор-

ликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга, энг муҳими, уларга бундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиб келяпти.

Фавқулодда вазирларнинг олдини олиш шу соҳа мутахассисларининг иши, деб қараш тўғри эмас. Ҳаёт хотиржамлигини таъминлаш учун бошқа соҳалар қатори, ёнғин хавфсизлигида ҳам бирдам бўлиш, бу офатга



қарши чоралар кўриш барчамизнинг доимий вазифамиз бўлмоғи даркор.

У.ШЕРМУРАТОВ,
Тошкент вилояти ФВБ
ходими, подполковник.

МАВСУМ ОЛДИДАН

“Қамчиқ” маҳсуе қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасида “Худудгаз Тошкент” газ таъминоти филиали ходимлари томонидан куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган вазирларда тўғри ҳаракат қилиш юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

Унда худудгаз тармоқлари масъул ходимлари сўзга чиқиб, бошқарма ходимларига куз-қиш мавсумида ис газидан заҳарланиш, газ, ҳаво аралашмаси чақнаши каби бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт бўлиши кераклигини айтиб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида куз-қиш мавсумидан олдин иситиш печлари, сув иситкичлар ва бошқа газ жиҳозларини техник кўриқдан ўтказиш ва дудбуронларни ўз вақтида тозалатиб туриш, газ жиҳозларини қаровсиз қолдирмаслик ва янги ўрнатилган газ ҳисоблагичларга ўзбошимчалик билан ташқи таъсир кўрсатмаслик, вояга етмаган ёш болаларни газ жиҳозларидан фойдаланишларига асло йўл қўймаслик, табиий газ ёки

ис газни ҳиди сезилганда дарҳол газ жиҳозини ўчириш кераклигини ва очик оловдан фойдаланмаслик каби муҳим тавсиялар бериб ўтилди.

Б.ҚУРБОНОВ,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ МТТ ва ТФНҚБ
бошлиғи, капитан.



ПРОФИЛАКТИКА

Хоразм вилоятининг Хива шаҳар ва туман ФВ бўлимлари, газ таъминоти ҳамда Ёнғинга қарши кураш эсамияти ходимлари билан ҳамкорликда Хива шаҳридаги 15 та ва Хива туманидаги 18 та мактабгача таълим ташкилотларидаги иситиш қозонлари мавсум олдида кўриқдан ўтказилиб, шай ҳолатга келтирилди.



Ўрганишлар давомида мактабгача таълим ташкилотларидаги ишчи-хизматчи ва ходимларга ис газидан заҳарланиш, газ-ҳаво аралашмаси натижасида чақнаш оқибатларига олиб келувчи, ностандарт, қўлбола газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, газ

ва электр энергиясига ўзбошимчалик билан уланмаслик ҳамда газ қурималаридан ва маиший электр асбоб-ускуналарида нотўғри фойдаланмаслик бўйича тушунчалар берилди. Бу борада профилактик ишлар давом эттирилмоқда.

М.РЎЗМАТОВ,
Хива шаҳар ФВ бўлими ПванБ инспектори, оддий аскар.
К.МАТЧАНОВ,
Хива тумани ФВ бўлими ПванБ мутахассиси, оддий аскар.

Қашқадарё вилояти Муборак туманида ҳудудида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 19 мартаба ёнғинлар қайд этилган бўлиб, улар асосан электр ускуналари, иситиш печлари, очик оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлик ҳамда болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида рўй берган.

ИНСОН ОМИЛИ САБАБ

Ёнғинларнинг 73 фоизи аҳоли яшаш жойларига тўғри келаётганлигини эътиборга олсак, улар инсон омили сабаб юзага келаётганлигини англаш қийин эмас.

Туман ҳудудида турли фавқулодда вазирларнинг олдини олиш мақсадида ФВ бўлими ходимлари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли яшаш хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазирлар, табиий, суюлтирилган газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари талабларига риоя этилишини ўрганиш, шунингдек, бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли профилактик тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида ишчи гуруҳ аъзолари туман ҳудудидаги кўп қаватли уйларда бўлишиб, хонадонларда аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилди. Мута-

хассислар аҳоли кўп йиғиладиган савдо мажмуалари ҳамда Муборак деҳқон бозоридаги харидор ва со-



тувчиларга куз-қиш мавсумида нималарга эътибор бериш кераклиги юзасидан зарур тавсиялар беришди.

Соҳибжон ВАЙИТОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ
Ахборот хизмати раҳбари,
капитан.
Жамшид ЮЛДОШЕВ,
Муборак тумани ФВ бўлими
бошлиғи, майор.

МАСКАНДА МАШҒУЛОТ

Фаргона вилояти Бағдод тумани “Истиқлол” пахта қабул қилиш масканида туман ФВ бўлими ва тумандаги ҳамкор ташкилотлар ҳамда пахта тозалаш корхонаси ишчи-хизматчилари билан шартли равишда пахта бунтларида содир бўлган ёнғинни ўчириш бўйича маҳсуе амалий-тактик машғулот бўлиб ўтди.



Унда жами: 6 дона техника, 4 та ёнғин ўчириш автотэкипажлари ҳамда 2 та маҳсуе хизмат автомобиллари қатнашди. Машғулот давомида қабул қилиш масканининг жами 25 нафар ишчи-хизматчилари билан “Пахта-2021” мавсумида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш бўйича йиғилиш ташкил этилди.

Р.ЮЛДАШЕВ,
Бағдод тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

ЭФФЕКТИВНЫЙ ИНСТРУМЕНТ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ

Недавно на станции «Халклар дустлиги» столичного метро некий Умиджон не мог успокоиться только лишь тому, что молодой человек от неосторожности наступил ему на ногу. И началось рукоприкладство, в результате чего потерпевший Азизжон вынужден был обратиться в Главное управление обеспечения безопасности на транспорте МВД Республики Узбекистан.

И по отношению к Умиджону Следственным управлением ГУОБТ МВД Республики Узбекистан возбуждено уголовное дело по части 1 статьи 277 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. В ходе следствия с согласия потерпевшего было достигнуто примирение потерпевшего и подозреваемого, что привело к освобождению от уголовной ответственности, соответственно — от наказания подсудимого. И конечно же тут учтено полное раскаяние последнего за содеянное.

А что было бы если такой случай произошёл до внедрения института примирения, то есть до принятия Закона Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодекс и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний»? По отношению к Умиджону было бы применено наказание как минимум в виде штрафа в размере от 50 до 100 минимальных заработных плат или же привлечение к исправительным работам сроком до трех лет.

Одним из эффективных инструментов либерализации уголов-

но-правовых отношений является институт примирения. Данный институт во многих источниках трактуется как институт освобождения от уголовной ответственности, что применяется в случае примирения подсудимого с потерпевшим. И конечно же, важным фактором тут служит признание подсудимым своей вины, так же возмещение вреда, причиненного потерпевшему.

Сегодня в нашей стране, как одно из главных направлений гражданского общества, надежно защищаются права человека, тут главными объектами защиты, если можно так выразиться, стали его честь и достоинство. В том обществе, где человек уверен в надежной защите своих прав, свобод и достоинства, не растёт число преступлений. Он старается быть достойным тому обществу, где обеспечена и его защита. Возьмём случай с Умиджонем. Он глубоко раскаялся. По-настоящему осознал, насколько недостойно поступил по отношению к людям из цивилизованного мира. У него появилась возможность сравнить того, чего мог бы потерять с тем, как ему живётся в том же цивилизо-

ванном мире, где интересы человека превыше всего. Где есть всё для того чтобы, жить мирно, спокойно. Спокойно за своих близких.

Применение института примирения в нашей стране распространяется на 60 видов преступлений за исключением тяжких и особо тяжких преступлений.

Только за последние три года в результате эффективного применения института примирения в Узбекистане от уголовной ответственности освобождены более 25 тысяч наших сограждан. И 36 из них освобождены в результате следственной и до следственной работы, проведённой Следственным управлением ГУОБТ МВД Республики Узбекистан.

В Указе главы государства, принятого 10 августа 2020 года, направленного на усиление гарантий защиты прав и свобод личности в

судебно-следственной деятельности становится ясно, что надёжная защита личности, в том числе применение института примирения не только служит повышению эффективности системы предупреждения преступности, правовой культуры и формированию у граждан духа законопослушности. Она и поднимет на новый уровень деятельность правоохранительных органов по раскрытию преступлений, обеспечит неотвратимость ответственности за каждое совершенное преступление.

Руслан НИШОНБОЕВ,
следователь СУ ГУОБТ МВД
Республики Узбекистан,
старший лейтенант.

Аббосхон МУНИРХОНОВ,
Оперуполномоченный ОУР
УОБМ ГУОБТ МВД Республики
Узбекистан, старший лейтенант.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Бугунги кунда Фаргона вилоятининг барча шаҳар, туман ва маҳаллалари ҳамда ижтимоий соҳа объектида куз-қиш мавсумига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида бир қатор профилактик тадбирлар амалга ошириб келиняпти. Хусусан вилоятининг Данғара тумани ФВ бўлими томонидан мактабгача таълим ташкилотларининг мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилди.

Шунингдек, «Пахта-2021» йиғим-терим мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида тумандаги «Оқжар» пахта қабул қилиш пунктида хизмат олиб борувчи ишчи-хизматчилар тегишли тавсиялар берилди.

Олиб борилган мазкур профилактик тадбирлар давомида аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объекти ва тадбиркорлик субъектида табиий ва суолтирилган газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ўрганишлар амалга оширилди.

Бу каби тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилиб бориляпти.

И. МАҲМУДОВ,
Данғара тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.



ДАСТУР АСОСИДА

Юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг турмуш ва яшаш шароитларини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳам «Обод маҳалла» дастури асосида ишлар амалга ошириляпти.

Тадбирларда ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар томонидан тумандаги 51 та маҳаллада махсус автомобиллар, хусусан, ёнғин ўчириш машиналарининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида 158 тадан зиёд сунъий тўсиқлар олиб ташланди, дарахт шохлари буталанди.

Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бу каби ишлар давом эттирилмоқда.

А. ТОЖИБОЕВ,
Чилонзор тумани ФВ бўлими ПванБ инспектори, катта сержант.

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманида жойлашган «Bulut textil» МЧЖ га қарашли пахта тозалаш корхонаси, шунингдек, ушбу корхонага тегишли Яйпан ва Қудаиш пахта қабул қилиш пунктида ишчи-хизматчилар ўртасида йўриқнома ўтказилиб, уларга тегишли тавсиялар берилди.

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Олиб борилган профилактик тадбирлар давомида корхонада хизмат олиб бораётган ишчи-хизматчилар

ўртасида жорий йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териш олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ҳамда йиғиб олинган хом ашё хавфсизлигини таъминлаш борасида профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Б. МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон тумани
ФВ бўлими ФВДТ
ва ФМ бўлими
бошлиғи,
подполковник.



УМР ХАЗОН БЎЛМАСИН

Ҳаётда содир бўлаётган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғиндир. Тан олиш керак, олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар кун содир бўлаётган ёнғинлар қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Соҳа ходимларининг бу борада тинимсиз олиб бораётган профилактик тадбирларига қарамасдан, ёнғин ҳодисалари содир бўлмоқда. Ёнғинларни барта-раф этиб, тан жароҳати олган инсонларга вақтида ёрдам қўлини чўзаётган ўт ўчирувчи-қутқарувчилар ҳамisha сергак ва огоҳдирлар. Лекин ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз?

Кузги-қишқи мавсумда ёнғинлар сонининг ўсиши кузатилади. Бунга эса кўплаб фуқароларимиз хонадонлар ва иш жойларини истишда газ ва электр ускуналарида фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузганликлари сабаб бўлади. Хазон ва шох-шаббаларни ёқиш ҳам ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳамisha барча фуқароларни оловдан унумли фойдаланишга даъват қилиб келади. Уйдан чиқиб кетаётганда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутмаслик керак. Айниқса, болаларни ёлғиз қолдирманг. Азиз фарзандларингизни олов дастидан бир умрга ногирон бўлиб қолишларига ёки мурғак умри хазон бўлишига йўл қўйманг.

А. ЯКУБОЕВ,
И. Каримов мажмуаси ЁХТТЭБ мутахассиси, оддий аскар.

СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИК

Маълумки, мамлакатимиз сейсмик фаол ҳудудлар туркумига киради. Шу сабабли Ўзбекистон аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, масъул давлат органларининг бу борадаги ваколатларини белгилаш ҳамда кучли zilzilаларга тайёргарлик кўриш, уларнинг оқибатларини барта-раф этишининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Шу мақсадда жорий йилнинг 13 сентябрь куни «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Жиззах вилояти ФВБда мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида семинар-учрашув бўлиб ўтди. Унда ФВВ Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази мутахассислари, вилоят ФВВ ҳарбий хизматчилари, корхона, муассаса ва ташкилотлар



фуқаро муҳофазаси тузилмалари раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбирда айтилганидек, қонунда белгиланаётган нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли хавфсизлигини таъминлаш баро-

барида ижтимоий-иқтисодий самараларга олиб келади, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш даражаси янги босқичга чиқади. Соҳанинг узвий ривожланиши таъминланади, сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотлар қурилиши сифати назоратга олинади.

Тадбир давомида иштирокчиларга сейсмик хавфсизликни таъминлашда давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилди.

Бахтиёр МАНСУРОВ,
Жиззах вилояти ФВВ
ХММҚ ва ОБФТЭ бўлими
бошлиғи, капитан.

БИРЛАМЧИ ЁНҒИН ЎЧИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Чоршанба – “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси куни” муносабати билан “Тошкент метрополитени” УКга қарашли Чорсу бекатида ишчи-хизматчилар билан бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш бўйича суҳбат ва йўриқнома ўтказилиб, бу борада керакли тушунчалар берилди.



Бирламчи ёнғин ўчириш воситалари – электр симларида қисқа туташуви бўлган вақтларда ҳамда ёнғинларни бошланғич вақтида алангани кенг тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш ва ёнғинларни ўчириш учун қўлланилади. Ёнғин ўчириш воситалари таркибидаги моддаларга қараб газсимон, суюқ, кукунсимон ва бошқа турларга бўлинади.

Ёнғин ўчириш воситасидан фойдаланиш тартиби: ёнғинни бошланғич даврида зудлик билан ёнғин ўчириш воситасини олиб, ёнғин жойида пломбасини узиб, трубкаси ёниш нуқтасига тўғриланади ва 1,5-2 метр оралиқ масофада туриб дастак босилади. Углекислотали ёнғин ўчириш воситасидан фойдаланиш вақтида ўзингиз ва яқин атрофингиздаги инсонларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трубкани ушлаш учун ҳимоя сифатида қўлқоп ёки мато бўлагидан фойдаланилади. Чунки сиқилган углекислотали гази ва туз қоришмаси музлатилган ҳолда бўлади. Барча турдаги ёнғинларда қолаверса, 1000 V гача бўлган электр кучланишларда

келиб чиққан ёнғинларни ўчиришда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг яроқлилигини текширишда кукунли ўчириш воситаларида махсус манометр кўрсаткичи орқали аниқланса, аксинча углекислотали ёнғин ўчириш воситани яроқлилигини текшириш учун унинг оғирлиги ўлчаниб, яроқлилиги аниқланади. “Тошкент метрополитени” УКга қарашли объект ва бекатларни асосан кукунли ва углекислотали бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланганлигини инобатга олиб, ишчи-хизматчиларга керакли тушунчалар берилди. Суҳбат давомида ишчи-хизматчиларга қаерда бўлмасин фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги қодаларига риоя қилишлари бўйича керакли тавсиялар берилди.

Маъмур ҲАЙДАРОВ,
“Метрополитен”да
ёнғин хавфсизлигини
таъминлаш бўлими
инспектори,
катта сержант.

Ким қайси соҳада фаолият олиб бормасин, ҳар куни газ ёки электр токи билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Масалан, газ плитасида таом тайёрлаш, кийимларни дазмоллаш ёки очиқ оловдан фойдаланиши мумкин.

ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚИЛМАНГ!

Бирок, улардан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш борасида етарлича тушунчага эга эмасликлари боис, ёнғин, ис газидан заҳарланиш ёки электр қурилманинг қисқа туташуви рўй бериши оқибатида жабр чеккан фуқаролар сони ортмоқда.

Шаҳрисабз шаҳрида жорий йилнинг ўтган 7 ой давомида жами 31 мартаба ёнғинлар қайд этилган бўлиб, оқибатда бир нафар фуқаро куйиш тан жароҳатини олган. Ёнғинлардан кўрилган моддий зарар миқдори 137 миллионни ташкил этади. Бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида Шаҳрисабз шаҳар ФВ бўлими ва бошқа ҳамкор хизматлар билан биргаликда профилактика кунларида кўп сонли меҳнат жамоаларида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Мутахассислар шаҳардаги 3-оилавий поликлиникада бўлишиб, йиғилганларга газ ускуналари ва электр қурилмаларини мавсумий техник кўриқдан ўтказиш ҳамда ёқилғи маҳсулотларидан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш борасида зарур тавсиялар беришди.



Ҳар йили куз-қиш мавсумида ис газидан заҳарланиш, ёнғин ва турли фавқулодда вазиятлар содир бўлиш кўлами ортади. Бу эса хонадонларда иситиш мосламаларидан ўзбошимчалик билан ёки нотўғри фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қодаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлади. Юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Шаҳрисабз туманида шакллантирилган тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан ҳар куни аҳоли яшаш хонадонларида, корхона ва ташкилотларда ўрганиш ва тушунтириш ишлари олиб борилляпти.

Тадбирлар давомида мутахассислар томонидан суюлтирилган ёки табиий газ ҳамда электр мосламаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича тайёрланган эслатма ва буклетлар тарқатилляпти.

Тарғибот гуруҳи кўп қаватли уйларда ҳам ўрганишлар олиб боришиб, хонадон эгаларига содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид тушунчалар бериб борилляпти.

Элбек ЮЛДОШЕВ, Шаҳрисабз шаҳар
ФВ бўлими
инспектори, катта лейтенант.

Наврўз АСАДОВ, Шаҳрисабз тумани ФВ бўлими
инспектори, катта лейтенант.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
М.САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4.
Тел.: (71) 235-58-49,
(90) 996-36-77
(99) 012-19-59
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун – 382

Газета
“BUSINESS PRINT PLUS” МЧЖ
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6650 нуска